O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 24 апрель, № 79 (4232) Сешанба

9 МАЙ — Хотира ва Қадрлаш куни

Азим пойтахтимизнинг юраги, гўзал ва бетакрор маскани бўлмиш Мустақиллик майдонига туташ зиёратгоҳдан йил – ўн икки ой одамлар қадами узилмайди. Айниқса, бу ер байрам арафаларида ҳар қачонгидан гавжумлашиб кетади. Қўлларида даста-даста гул билан бу ерга ошиқаётган кишилар орасида ёши бир жойга бориб қолган нуроний отахон-онахонлар ҳам, ўрта ёшлардаги инсонлар ҳам, қадамидан ўт чақнаб, кўзлари чарақлаб турган йигит-қизлар ҳам бор.

УЗИЛГАН ҲАР КИПРИК АБАД ЙЎҚОЛМАС

Анча-мунча ташвишни елкасидан ошириб ташлаб, ҳамиша шўх-хандон юрадиган кишилар, ҳатто ёш-яланглар ҳам бу ерга яқинлашишлари билан нечундир тинч оқар дарёдек вазминлашиб, ўйчан бўлиб қоладилар. Улар оғир ўйга толиб ўтирган муштипар онаизор сиймоси томон оҳисталик билан яқинлашадилар. Она қошида, мангу олов қаршисида бир зумга ўз хаёллари билан қоладилар. Жим-житлик, сукунат ҳукм суради ёнатрофда...

Иккинчи жаҳон урушининг тугаганига 62 йил бўляпти. Уруш инсоният бошига ёғилган улкан бало эди. Орадан шунча йиллар ўтган бўлса-да, унинг даҳшатлари, офатлари, ғам-андуҳлари ҳамон унутилгани йўқ, унутилмайди ҳам. Ахир, ўша урушда қон кечиб, жон кечиб қурбон бўлган, хоки-пойлари ўзга юртларда қолиб кетган ота-боболаримизнинг хотираси бир умр қалбимизда.

Ўша пайтда она юртимиз — Ўзбекистонда қарийб уч ярим миллион аҳоли истиқомат қилган бўлса, улардан тахминан бир ярим миллион нафари урушга сафарбар этилган эди. Ўз Ватанининг эркинлиги ва озодлиги учун, бугун биз кечираётган осуда ҳаёт учун 400 минг нафардан зиёд ватандошимиз уруш майдонларида қурбон бўлган, яна қанчадан-қанча кишиларимиз бедарак кетган.

Кўпчилигимиз урушни ўз кўзимиз билан кўрмаган бўлсак-да, фронтдан бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қайтган кексаларнинг мунгли ҳикоялари, кинолар, китоблар орқали уруш офатларини маълум даражада тасаввур этамиз. Жанггоҳларда ҳалок бўлган, урушда орттирган жароҳати туфайли ҳаётдан эрта кетган ота-боболаримизни армон билан ҳануз қўмсаймиз. Бугун орамизда яшаётган, тобора сафлари камайиб бораётган уруш фахрийларини зиёрат қилиб дуоларини олишга интиламиз. Уларга меҳр-оқибат кўрсатамиз. Бу меҳр, бу оқибат, ўтган аждодларимизни хотирлаш ҳисси эса биздан фарзандларимизга, невара-чевараларимизга шу тариқа авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб бораверади.

Мамлакатимизда уруш қурбонлари хотирасини эъзозлаш, уруш қатнашчиларининг ҳурматини жойига қўйиш борасида кўплаб эзгу ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан МДҲ мамлакатлари орасида илк бор Ўзбекистонда Иккинчи жаҳон уруши қурбонларининг номлари зикр этилган кўп жилдли "Хотира китоби" чоп этилди. Уруш фахрийлари кўплаб ижтимоий муҳофаза турларидан баҳраманд бўлишмоқда.

Президентимиз Фармонига биноан ҳар йили 9 май юртимизда "Хотира ва қадрлаш куни" сифатида нишонланмоқда. Уруш қурбонлари шарафига пойтахтимизнинг энг эътиборли нуқтасида Хотира майдони барпо этилди. Уларнинг исм-шарифлари эса пўлат китобларга зарҳал ҳарфлар билан дарж этиб қўйилди. Буни уруш қурбонларининг номи халқимиз хотирасида абадий муҳрланиб қолганлигининг ўзига хос рамзий ишораси дейиш мумкин. Зотан, "Узилган ҳар киприк абад йўқолмас", деб бежиз айтишмайди!

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 21 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **215²-модда** билан тўлдирилсин:

«215²-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг кўрсатмаларини бажармаслик

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ўзи ташкил этган текширишлар натижаларига биноан юборган кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «210» рақамидан кейин «215²» рақами билан тўлдирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 23 апрель
№ ЎРҚ — 92



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИНТИЗОМ ҲИСОБНИ ЁҚТИРАДИ

Кеча қуйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан ўтказилган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилди.

Таъкидландики, Ҳисоб палатасининг ўтган йилдаги фаолияти давлатимиз раҳбарининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилди.

Хабарингиз бор, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан, мамлакат солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджети лойиҳаси Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлисга киритилиши белгиланган. Шу боис ҳисобот йилида Ҳисоб палатаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир қатор хўжалик юритувчи субъектлар мисолида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар даромадларининг тўлиқ шаклланиши ҳамда харажатларнинг асослилигини таҳлил қилиб чиқди.

Ҳисоб палатасининг 2006 йил иш дастурига асосан, вазирликлар, идора ва корхоналарда текширувлар ўтказилди. Жумладан, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун дарсликларнинг янги авлодини яратиш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича Давлат дастурини амалга ошириш учун ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланиши, Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағларининг тўлиқ шаклланиши ва самарали сарфланиши бўйича назорат тадбирлари ўтказилди. Шунингдек, маҳаллий бюджетлар даромадлари базасининг шакллантирилиши, харажатларни оптималлаштириш ва дотациядан чиқариш бўйича Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида кўрилган чора-тадбирлар натижалари, республиканинг йирик саноат корхоналарида валюта маблағларининг тўлиқ келиб тушиши ҳамда оқилона сарфланиши, сиёсий партиялар молиявий маблағларининг таркиб топиши ва улардан белгиланган мақсадларда фойдаланиш юзасидан текширишлар олиб борилди.

Ушбу текшириш ва назорат тадбирларида бир қатор молиявий хато ва камчиликлар аниқланган. Давлат бюджетига етказилган зарар миқдори тикланиб, айбдор шахсларга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан чоралар кўрилган. Камчиликларни бартараф этиш бўйича Ҳисоб палатаси кўрсатмаларида тегишли тадбирлар ишлаб чиқилган.

Қуйи палата депутатлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этган йиғилишда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда жорий йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши инсон манфаатлари ҳимояси кўламининг янада кенгайишида муҳим омил бўлмоқда.

Ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини оширишда жамоат ва нодавлат ташкилотлар, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларнинг ролини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ташаббуси билан Навоий шаҳрида ташкил этилган "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иштироки" мавзуидаги давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди.

Ушбу Қўмита раиси А.Саидов бошқарган тадбирда Қонунчилик палатасининг депутатлари, Навоий вилояти ҳокимлиги, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари ва ижтимоий ҳамкорлик йўналишлари, уларнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги иштироки, Ижтимоий ҳимоя йилида сиёсий партияларнинг вазифаларига оид мавзуларда маърузалар тингланди. "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурининг асосий йўналишлари ва унинг ижросини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаоллигини ошириш лозимлиги қайд этилди.

Давра суҳбати иштирокчилари ёшларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, қобилияти ва салоҳиятини юзага чиқариш учун шароит яратиш, ёш оилалар мустақил ҳаётга қадам қўйишида уларни маънавий рағбатлантириш ва моддий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилиши зарур бўлган ишлар юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашдилар.

(ЎзА).

ДУНЁ НИГОҲИ

— Қайси соҳада бўлмасин, барча ислоҳотлар муваффақияти давлатнинг иқтисодий ҳолати билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон иқтисодиётининг юксак ўсиш суръатлари нуфузли халқаро институтлар, хусусан, Халқаро валюта жамғармаси томонидан тасдиқланмоқда. Бу эса, албатта, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни муваффақиятли тарзда амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Жан МАДЕР,
Франциядаги Олий бошқариш институти бошқарувининг аъзоси.

Ёшлар шижоати

Андижондаги "Ўз Дунян Ко" қўшма корхонаси асакалик автомобилсозларга 124 турдаги бутловчи қисмлар тайёрлаб бермоқда. Илгари бу бутловчи қисмлар хориждан келтирилар эди.

■ Қўшма корхонадаги ишчиларининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Бу ерда хорижда иш ўрганиб келган 74 нафар ёшлар билан бирга, Андижон политехника касб-ҳунар коллежини битирган ёшлар ҳам меҳнат қилмоқда. Шунинг ҳисобига корхонада ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юқори бўлаётир.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Касаначилар кўпаймоқда

«Қумқўрғон-Турон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида касаначилар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

■ Кейинги бир йилнинг ўзида 25 нафар ҳунарманд ва чеварлар ишга жалб этилди. Уларнинг ёрдами билан 600 га яқин фермер хўжалиги учун зарур бўлган буюмлар ишлаб чиқарилаяпти.

— Илгари устахонада қурак, ўроқ, кетмон каби ўнга яқин уй-рўзғор буюмлари ясардим, — дейди Қумқўрғоннинг "Навбаҳор" маҳалласида яшовчи Чори Сатторов. — Лекин меҳнат дафтарчам йўқ эди. Ясаган буюмларимни ўзим сотардим. «Қумқўрғон-Турон»га касаначи бўлиб ишга жойлашгач, бу юмушлардан ҳалос бўлдим. Ҳозир меҳнат дафтарчам бор, тайёрлаган маҳсулотимни сотиш билан эса корхона шуғулланаяпти.

О. УСАНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Сифатли ва фойдали

Сирдарё вилоятидаги "Ховосдон" ҳиссадорлик жамиятида унни фортификациялаш йўлга қўйилди.

■ — Ишни замонавий технология асосида ташкил этганмиз, — дейди ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Ҳабибулла Ниёзматов. — Корхонамизда ҳар ойда темир ва бошқа зарур моддалар билан бойитилган 800 тонна ун тайёрланмоқда. Мутахассисларни жалб этган ҳолда мазкур технологияни амалиётда қўллаш бўйича ишчиларимиз малакасини оширдик.

— Бойитилган ун ишлаб чиқариш учун мувофиқлик ва гигиеник сертификатлар олинди, — дейди мазкур корхона лабораторияси мудири Наташа Фоменко. — Сифатли ҳамда соғлик учун муҳим бўлган унни бойитиш технологик жараёни ва меъёрларига қатъий амал қиляпмиз. Бу вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази мутахассисларининг ҳам эътиборида турибди.

Д.ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.

Миср оммавий ахборот воситалари:

«КЎҲНА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛИ САРИ»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Миср Араб Республикасига расмий ташрифи мазкур мамлакат оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Мисрдаги энг нуфузли нашрлардан бири ҳисобланган **«Ал-Аҳром»** газетаси ўз саҳифаларида «Ўзбекистон демократлаштириш ва иқтисодий ислоҳотлар йўлида», «Ҳусний Муборак билан Ислом Каримов минтақавий ҳамда халқаро муаммоларни муҳокама қилди» сарлавҳали мақолаларни эълон қилди. Ўқувчилар эътиборига Ўзбекистон тараққиётининг замонавий босқичи ҳамда Ўзбекистон ва Миср халқлари ўртасидаги ўзаро тарихий алоқаларнинг чуқур таҳлили ҳавола этилади. Газетанинг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг демократик ривожланиши, юксак иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда миллий тараққиёт модели кўплаб мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Нашрнинг фикрича, буларнинг бари Президент Ислом Каримов томонидан узоқни кўзлаган ҳолда амалга оширилаётган оқилона сиёсат маҳсулидир.

Ўзбекистон раҳбарининг ташрифига бағишланган ахборотида **«Ал-Жумҳурия» газетаси** ташриф чоғида имзоланган битимлар икки мамлакат манфаатларига хизмат қилишини таъкидлайди.

«Ал-Жумҳурия» икки мамлакат раҳбарлари минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ҳамда терроризмни муқаддас ислом дини билан боғлашга қаратилган уринишларга биргаликда қарши туришга келишиб олганликларига эътибор қаратди.

Нашр, шунингдек, ташриф чоғида Ўзбекистон диёридан етишиб чиққан буюк олим, Нил дарёси сатҳининг ўзгаришини аниқловчи қурилма — бутун дунёга машҳур Нилометрни яратган Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалининг очилиши бўлиб ўтганини қайд этади. «Ал-Фарғоний сиймоси Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги кўп асрлик дўстликни мужассам этади», — деб ёзади газета.

«Ал-Мисрий ал-Йовм» газетаси икки мамлакатнинг кўплаб халқаро масалалар бўйича қарашлари муштарак эканига эътибор қаратади. Президент Ислом Каримов Марказий Осиёдаги барқарорлик ва хавфсизлик кафолатидир. Бу эса, нашр фикрига кўра, Ўзбекистонга ишончли иқтисодий ва сиёсий шерик сифатида қараш лозимлигини англатади.

«Ал-Мустақбал» газетасининг махсус сони Президентимиз ташрифига бағишланди. Нашр ўз мақолаларида Ўзбекистон тарихи, юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, Ўзбекистон-Миср ҳамкорлиги, мамлакатимиз эришаётган ютуқлар ҳақида батафсил ҳикоя қилган.

«Ал-Миса» газетаси ўз ўқувчиларига Ўзбекистон-Миср саммити икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий ва техник ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди, дея ахборот беради. Ўзбекистон Қоҳира ўз муносабатларини ҳар томонлама ривожлантиришга интилаётган Марказий Осиё минтақасида етакчи мавқе эгаллайди, дея таъкидлайди нашр.

Миср ҳукуматининг етакчи нашрларидан бири — **«Ал-Масаийя»** Ўзбекистон ҳамда Миср Саудия Арабистони билан биргаликда ислом оламининг асосини ташкил этувчи учта мамлакат қаторига киришини таъкидлаган. «Президент Ислом Каримов гуллаб-яшнаётган, барқарор ривожланаётган, хавфсиз ва келажаги порлоқ Ўзбекистоннинг ёрқин тимсолидир», — дея ёзади мақола муаллифлари.

(Давоми 2-бетда).

Миср оммавий ахборот воситалари:

«КЎҲНА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛИ САРИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ишбилармонларнинг нуфузли нашри — **«Ал-Аълам ал-Йовм» газетаси** ўқувчилар эътиборини мисрлик ва ўзбекистонлик тадбиркорлар иштирокида бўлиб ўтган иқтисодий форумга қаратади. «Иш одамларининг учрашуви икки мамлакат тадбиркор доиралари ўртасидаги бевосита алоқаларга туртки беради, уларнинг муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаради», — дейилади мақолада.

«Ал-Аҳром» «Тошкент ва Қоҳиранинг умумий тарихи» номли мақолани эълон қилди. У Ўзбекистоннинг рангбаранг суратлари билан безатилган бўлиб, юртимиз ўтмиши билан бир қаторда Ўзбекистон ва Миср халқлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг кўп асрлик тарихи хусусида батафсил ҳикоя қилади.

«Ўзбек халқи — Марказий Осиёдаги энг қадимий халқлардан бири. Кўп асрлар мақаддам бу ерда яшаб ижод қилган буюк олимлар ва мутафаккирларнинг бой мероси бу фикрнинг ёрқин тасдиғидир», — дея таъкидлайди нашр.

Газета икки халқ ўртасидаги алоқаларнинг тарихига тўхталиб, қизиқарли далилларни айтиб ўтади. Жумладан, Мамлуклар сулоласи ҳукмронлиги даврида Қоҳирада «Ҳадиқатул Ўзбекия», яъни «Ўзбеклар боғи» деб номланган илк боғ ташкил этилган. «Вақт ўтиши билан боғ ва унинг атрофидаги ҳудудлар шу номни олиб, бугунги кунда ҳам айнан мана шу ном билан машҳурдир».

Мисрдаги етакчи нашрлардан яна бири — **«Ал-Ахбор»** «Ўзбекистон: миллий тотувлик тажрибаси» сарлавҳали мақолани эълон қилди. Юртимизда ҳукмронлик қилаётган миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик хусусида фикр юритар экан, нашр Ўзбекистондаги миллатлараро тинчликни таъминлаш модели энг юксак баҳога лойиқ экани ҳамда араб дунёси учун яхши намуна бўлиши мумкинлигига урғу беради.

«Ал-Ғад» газетаси мамлакат сиёсий ҳаётида етакчи ўринлардан бирини эгалловчи шу номли сиёсий партиянинг нашри ҳисобланади. Президент И.А.Каримовнинг ташрифини ёритар экан, газета юртимиз ислом дини ва фани тараққиётида муҳим ўрин тутишига эътибор қаратади. «Мамлакат раҳбарияти ўзбек халқининг маданий ва маънавий қадриятларини қайта тиклаш, асраб-авайлашга қаратилган кенг миқёсли ва изчил ишларни амалга оширмоқда. Тошкент шаҳри 2007 йилдаги ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши ана шу эзгу саъй-ҳаракатларнинг натижаси бўлди», — деб ёзади газета.

Ташриф якунлари ҳақида гапириб, Миср матбуоти икки мамлакат раҳбарлари сиёсий, иқтисодий, маданий, сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш хусусида келишиб олганини таъкидлайди.

Президент И,А.Каримовнинг Мисрга ташрифига бағишланган репортажлар **«Найл-ТВ», «Ан-Нил»** ва **«Биринчи» телеканаллар,** шунингдек, **«Қоҳира овози»** ва **«Катта Қоҳира радиоси» радиоканаллари** орқали узатилди.

«Жаҳон» АА.

УЗИЛГАН ҲАР КИПРИК АБАД ЙЎҚОЛМАС

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мен Хотира майдонига бот-бот бориб тураман. Очиғи, мангу олов қошида ўйчан ўтирган она сиймоси менинг онамга, мунис, мушфиқ, меҳнаткаш, заҳматкаш онажонимга жуда-жуда ўхшаб кетади. Кўзларидаги мунг ҳам, юзларидаги тарам-тарам ажинлар ҳам, ҳатто тиз букиб ўтиришлари, қўллари худдики онамни эслатади. Беихтиёр онамнинг уруш ҳақидаги изтиробли ҳикоялари ёдимга тушади.

— У кунларни биз кўрдик, сизлар асло кўрманглар, инсон боласи кўрмасин илоҳим, — дердилар онам раҳматли. — Йигитман деганнинг ҳаммаси урушга кетиб, даладаги, рўзғордаги бор юмуш биз каби келинчаклар-у, қари-қартанг, ёш болаларга қолган эди. Кундузи далада ишлар, мошоқ терардик, от ҳам етаклардик, ғўза ҳам суғорардик... Э, нимасини айтай. Бир бурда нон топсак ҳам фронтдагиларга илинардик, кунда-кун оша қишлоқнинг ҳали у, ҳали бу тарафидан юракларни зирқиратиб юборадиган йиғи овози эшитилиб қоларди. Қайсидир оилага "қорахат" деган бало келганини, кимнингдир жигаргўшаси, паноҳи урушда қурбон бўлганини ана ўшанда билардик...

Мен бир кишини билардим, урушдан оғир яраланиб қайтган эди. Гарчи, сиртдан қараганда тўрт мучаси соғдек кўринса-да, иккита қовурғаси йўқ, унинг ўрнида доира пардасидек юпқа тери униб чиққанди, ўҳ деса ўпкаси кўринади.

У киши уруш ҳақида гапиришни хуш кўрмасди.

— Қўй, у кунларни эслатма, — дерди чуқур сўлиш олиб, дўппидеккина қишлоғимиздан жангга отланган 46 нафар тоғни урса талқон қиладиган йигитлардан атиги тўққизтагинамиз қайтиб келгандик, холос. Не-не йигитлар эди-я!..

Наврўз байрами арафасида Хотира майдонини айланиб юриб, мангу олов қаршисида ўйга чўмиб турган



нуроний отахонга кўзим тушди. Танишдик.

Неъматжон ота Фарғонанинг Бешариғидан экан.

— Бир қизим Тошкентга тушган. Невараларим турли институтларда ўқишади, — дейди отахон. — Уларни кўриш, ҳолидан хабар олиш учун тез-тез пойтахтга тушиб тураман. Ҳар гал, албатта, Хотира майдонига келиб, урушда ҳалок бўлганлар ҳақига тиловат қиламан... Отинг ўчгур уруш бизнинг оилага ҳам кўп кулфат келтирган, ҳам акамдан, ҳам амакимдан "қорахат" олганмиз... — Отахоннинг овози титраб, кўзлари намланди. — Отам бўлса ногирон бўлиб қайтганлар. Урушда орттирган асоратлари у кишини ҳам эрта олиб кетди. Ёш бўлишимга қарамай, онаизоримнинг ёнига кириб укаларимни, сингилларимни катта қилдим. Ишдан ажралмаган ҳолда ўқидим. Қирқ йилдан ортиқ жамоа хўжалигида ҳосилот бўлиб ишладим...

Ўша пайтларни эсласам, ҳалигача хўрлигим келади. Биз ёш бўлиб ёшлик завқини тотмаганмиз. Қаттол уруш бизни эрта улғайтирган. Шунинг учун ҳам фарзандларимга, невараларимга, қишлоғимиз болаларига "Тинчликнинг, шундай дориломон кунларнинг қадрига етинглар. Юртимизга, Президентимизга муносиб бўлинглар!" деб бот-бот насиҳат қиламан.

Инсон боласи ҳар хил, уларнинг феъл-атвори, дунёқараши, ҳаётга муносабати ҳам бошқа-бошқа.

Менинг Хотира майдонига тез-тез бориб туришимдан хабардор танишим:

— Нима, бирор яқинингиз урушда ҳалок бўлганми? — деб сўраб қолди.

Рости, ўзини зиёлиларнинг зиёлиси ҳисоблаб юрган, илмий даражаси ҳам бор бу одамнинг саволидан энсам қотди. Қисқа қилиб:

— Ҳа, шундоқ, — деб қўя қолдим. Кейин ўйладим. Ахир, Хотира майдонига келиб туриш учун бирор яқини урушда ҳалок бўлиши шарт бўлмаса керак. Ахир, қирчиллама ёшида шаҳид кетган инсонлар кимнингдир фарзанди, акаси ёки укаси, қайсидир аёлнинг севимли ёри эди... Сиз билан бизнинг эса ҳамюртимиз. Улар ҳеч биримизга бегона эмас эди. Хотира майдонида эса назаримда ҳамон ота-боболаримизнинг руҳи кезиб юргандай. Сиз билан бизни кўриб, сезиб тургандай. Уларни яхшилик билан ёдлаб қўйсак, кифоя. Бу — бизнинг инсонийлик ҳамюртлик бурчимиз. Бир сўз билан айтганда, одамийлигимиз белгиси.

Бугун эрталаб кўклам чечакларидан бир қанчасини дасталадим-да, яна Хотира майдони томон йўл олдим.

Қўлимдаги янги узилган, ҳатто нозик баргларидаги шудринги ҳам кўтарилмаган гулларни мотамсаро Она сиймоси пойига қўйдим.

— Ассалому алайкум онажон... ассалому алайкум, азизлар...

Ғамгузор она... Назаримда, онам миннатдор жилмайиб қўйгандек бўлди, гўё.

Ў. РАҲМАТ.

Инсон табиати қизиқ-да. Бирор нарсадан қувонса, дилида фахр, ғурур туйғуси туйса, бу ҳолатини ўзгалар билан баҳам кўргиси келаверади. Мактуб ёзишга тутинади.

Аскарликда юрган дилбандини соғинган она унга соғинчнома битади.

Дил изҳорини қай йўл билан сездиришни билмай юрган ошиқ йигит уни оқ қоғоз қатига жойлайди.

Хатлар одамларни бир-бирига яқинлаштиради. Унга ярим дийдор, кўнгил ойнаси, деб бежиз таъриф берилмаган.

ЎЗГАНИНГ МУШКУЛИ

уни осон қилганнинг қалби нурга тўлгай

Хатлар, хатлар...

Шуни ҳисобга олганда, жорий йилнинг дастлабки чорагида таҳририятимизга ҳам 500 га яқин турли мавзулардаги хат-хабарлар келди. Ҳудудлар бўйича тақсимлаганда, ҳар биридан элликдан ортиқ мактуб Тошкент шаҳри (68 та), Фарғона (56 та), Қашқадарё (53 та), Тошкент (50 та) вилоятларидан олинди. Улар орасида ўз масканидаги янгиликдан бошқаларни бохабар қилиш иштиёқида бўлган муштарийнинг илк хатини, ҳаёт қувончлари таъсирида битилган шеърий номаларни, тарихий обидалар, осори атиқалар, топилмалар ҳақидаги мозийдан садони кўриб мамнун бўласан, киши. Юртимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, боғ-роғлар, далалардаги юмушлар, катта режаларни амалга оширишга интилаётган кичик корхоналарнинг фаолиятидан воқиф этади, бу хабарлар.

Таҳририятимизга келган хатларнинг бир қисми аризалар. Уларни текшириш ва чора кўриш учун турли ташкилотларга юбордик ва расмий жавоблар олдик. Бундан мутасадди ташкилотлар, раҳбарларнинг мазкур номаларга муносабати сезилиб турибди. Жумладан, Боғдод тумани, Боғишамол қишлоғида яшовчи бир гуруҳ фуқароларнинг мактаб, спорт залини таъмирлаш ҳамда газ таъминоти муаммолари хусусидаги аризаси бўйича Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари А.Муратовдан келган расмий жавобда арзгўйлар тилга олган масалалар эътибор билан ўрганилгани аён бўлиб турибди. Унда таъкидланишича, қишлоқдаги 38-мактабни таъмирлаш келаси йил режа дастурига киритилган. Туман халқ таълими ва болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлимлари раҳбарлари зиммасига болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароит яратиш ҳамда керакли анжомлар олиб бериш вазифаси юклатилган. Қишлоқни газлаштиришга оид лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашга киришилган. Ва муҳими, бундай муаммоларнинг тўла бартараф этилиши вилоят ва туман ҳокимликлари назоратига олинган.

Самарқандлик Т.Қодиров таҳририятга йўллаган хатида шундай ёзади: «Мен Эшонқора қишлоғида туғилганман. Бир ҳовлида беш оила яшаймиз. Ўғилларимнинг алоҳида томорқаси йўқ. Фарзандларимга уй-жой қуриш учун ер майдони ажратилишида ёрдам кўрсатишингизни сўрайман». Мазкур ариза юзасидан вилоят прокуратураси томонидан йўлланган маълумотда таъкидланишича, газета аралашувидан сўнг шу йилнинг февраль ойида арзгўйнинг ўғилларига ер участкаси ўлчаб берилган. Демак, яна бир муаммо ҳал бўлган. Яна бир оиланинг кемтиги тўлган.

Бухоролик Х.Мажидов Ғиждувон шаҳридан Қорабоғ қишлоғигача бўлган автомобиль йўлининг носозлиги ҳақида ёзган аризасига вилоят ҳокимлигидан юборилган жавобда айтилишича, бугунга келиб ҳудудда тўрт миллион сўмлик иш бажарилган. Аҳолига қулайлик яратилган. Бу каби расмий жавобларни саралар эканмиз, пастдарғомлик Ж.Маматовнинг имтиёзли пенсия тўғрисидаги аризаси Самарқанд вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан ўрганилгани ва фуқаронинг меҳнат стажи қайтадан текширилгани маълум бўлди. Нуроталик О.Турсунов-нинг ўғлига эса вилоят ижтимоий таъминот бўлими томонидан тўланмаган кунлар учун ногиронлик нафақаси ундириб берилган. Шунингдек, коммунал хизмат тўловларидаги чалкашликлар, истеъмолчиларга нисбатан қўпол муомалада бўлаётган вакиллардан норозилик билдирилган мактублар юзасидан Навоий вилояти прокуратураси, Фарғона вилояти ҳокимликларига юборилган аризалар атрофлича ўрганилиб, истеъмолчилар ҳуқуқларини бузган шахслар жазоланганги таъкидланган. Бу каби ишончли расмий жавоблардан турли камчиликлар, муаммолар ҳал этилаётганини англаш қийин эмас. Бундан кўнгил таскин топади, албатта.

Айрим газетхонлар жойлардаги мутасадди ташкилотларнинг кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ногиронлар ва кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида олиб бораётган ишларидан мамнун бўлиб, дил сўзларини таҳририятга йўллашган. «Бир неча йилдирки, кўриш қобилиятим сустлиги туфайли қийналиб қолдим. Кўзи ожизлар жамиятининг шаҳар бўлими рўйхатида тураман. Оилавий шароитимдан хабардор бўлган шаҳар иссиқлик манбаи, коммунал хизмати раҳбарлари менга катта ёрдам беришаяпти. Айниқса, «Чирчиқ нони» корхонаси кўп йиллардан буён моддий кўмак бериб келади. Юртимизда мурувватли инсонлар кўпаяверсин», деб ёзади чирчиқлик онахон М.Мамажонова. Бувайдалик 87 ёшни қоралаган кекса ўқитувчи Қ.Турсунов мактубида ҳам шундай илиқ сўзлар битилган. Бу каби дилномалар ўзгага меҳр-оқибат, саховат, мурувват кўрсатиш, бир-бирига эш, ҳамдард бўлиш нечоғли савоб иш эканини кўрсатиб турибди.

Бироқ таҳририятга келган айрим шикоят хатларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ишидан, суд идоралари қабул қилаётган қарорлар, уларнинг ижроси таъминланмаётгани юзасидан эътирозли кайфиятни англаш мумкин. Жумладан, деновлик фермер Б.Нормуродовнинг Сурхондарё вилояти хўжалик суди қарорларидан шикоят қилиб ёзган аризаси Бош прокуратура томонидан текширилганда, суд иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ ўрганмагани, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини асоссиз қўллагани маълум бўлди. Шу боис жорий йил март ойида ушбу суд қарорларини бекор қилиш ҳақида Олий хўжалик суди раёсатига назорат тартибида протест келтирилди.

Яна бир расмий жавобда андижонлик С.Қамбарованинг фарзандлари таъминоти учун алимент ундиролмаётгани ҳақидаги аризаси вилоят прокуратурасида ўрганилиб, ижро ҳужжати қайтадан тиклангани, ўз вазифасига лоқайдлик билан қараганги учун суд ижрочиси З.Ходжаевга нисбатан интизомий жавобгарлик иши қўзғатилгани маълум қилинган.

Бир туркум жавоблар ҳам борки, улар билан танишганда, таҳририятдан текшириш учун юборилган аризалар жойлардаги мутасадди ташкилотлар томонидан синчиклаб ўрганилмаганлиги, етарли текширилмаганлиги сезилиб туради. Акс ҳолда, қибрайлик Б.Рашидов, Тошкент шаҳрилик Ғ.Эминжонов, оҳангаронлик Т.Давроновлар таҳририятга такрорий ариза билан мурожаат қилмасдилар. Ўзгалар дардини ўз ташвишидек билиб, камчиликлар баҳамжиҳатликда, бамаслаҳат ҳал этилганда, фуқароларнинг эътирозларига сабаб бўлаётган, ҳаётимизнинг турли жабҳаларида учрайдиган муаммолар барҳам топиши таъминланган бўларди...

Мамлакатимизда турли соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар халқимиз фаровонлиги, ҳаётимиз бундан-да нурафшон, гўзал бўлиши учун амалга оширилаяпти. Ниятимиз ана шундай эзгу ишлар жойларда ҳам бўй кўрсатса. Маҳаллалар, туман, вилоятлардаги кўпга бош бўлган раҳбарлар одамлар ғами, ташвиши, дардига эш бўлса, деймиз. Зеро, ўзгалар мушкулини осон этиб, савобли амалларни бажаришга не етсин.

Умида ФАЙЗИЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сўраган эдингиз

Газетхонларимизнинг истеъмолчилар ҳуқуқлари билан боғлиқ саволларига Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерация Мониторинг бўлими бошлиғи Дилбар НАСРИДДИНОВА жавоб беради.

Савол:

— Яқинда бир дўкондан газлама сотиб олдим. Шунда сотувчи йигит унинг ўрамаси учун ҳам алоҳида ҳақ тўлашимни талаб қилди. Шу тўғрими?

А.ХУДОЙБЕРДИЕВА.
Самарқанд шаҳри.

Жавоб:

— Газлама, кийим-кечак, мўйнали товарлар, пойабзаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилинганда, уни ўраб бериш учун истеъмолчидан алоҳида ҳақ ундирилмаслиги керак. Шу боис ҳеч иккиланмай сотувчининг талабини рад этишга ҳақлисиз.

Савол:

— Хизмат сафари билан тез-тез вилоятларда бўлиб тураман. Айрим меҳмонхоналарда негадир мижозларга кўрсатиладиган хизматлар ҳақида маълумот берилмайди. Айтинг-чи, аслида меҳмонхоналарда қайси хизматлар бепул ташкил этилиши лозим ва бу қандай қоидаларга асосланади?

А.МИРАБЗАЛОВ.
Тошкент шаҳри.

Жавоб:

— Меҳмонхона хизматларини кўрсатиш қоидасининг 5.2-бандига асосан, маъмурият зарур бўлганда мижоз учун «Тез ёрдам» чақириши, тиббий дори-дармон қутичасидан фойдаланишини таъминлаши, келган хатларни етказиб беришни ташкил этиши лозим. Шунингдек, белгиланган вақтда уйғотиб қўйиши (хабардор қилиши), қайнаган сув, овқатланиш учун зарур бўлган анжомлар тўплами, игна ва ип билан таъминлаши зарур. Буларнинг барчаси меҳмонхона томонидан бепул хизмат кўрсатиш турларига киради.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Пойтахтимиздаги "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

МАРКАЗ УЧУН ЯНГИ БИНО

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан таъмирланиб, ишга туширилган мазкур мажмуада ёшларнинг билим ва маҳоратларини оширишлари учун барча имкониятлар муҳайё этилган.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида уюштирилган ушбу анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздан уч юз нафар иқтидорли йигит-қиз қатнашди.

Марказнинг очилишида талаба-ёшлар, ўқитувчилар, олимлар, санъаткорлар иштирок этди. Унда таъкидланганидек, ёш авлодни соғлом ва баркамол, ўз мустақил фикрига эга шахс этиб тарбиялаш, истеъдод соҳибларини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда вазирлик ва идоралар билан биргаликда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

— Ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, истеъдод соҳибларини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришда мазкур жамғарманинг лойиҳалари алоҳида эътирофга лойиқ, — деди анжуманда қатнашган профессионал боксчининг ўта оғир вазнида WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев. — Зеро, бундай марказлар билимдон, ҳар томонлама кучли ёшларимиз сафини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТИК МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЙЎЛИДА

Бухоро шаҳрида "Ижтимоий-сиёсий модернизациялашнинг ҳозирги замон тажрибаси ва барқарорликни таъминлаш масалалари" мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Минтақавий сиёсат жамғармаси ва ЕХҲТ лойиҳаларининг Ўзбекистондаги мувофиқлаштирувчиси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Буюк Британия, Ирландия, Голландия, Исроил, Ҳиндистон, Россия, АҚШ, Словакия, Чехиядан сиёсатшунос экспертлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзолари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар вакиллари, сиёсий маданият ҳамда демократик жараёнларни ўрганиш бўйича мутахассислар иштирок этди.

Халқаро учрашув ҳақидаги батафсил ҳисоботни газетамизнинг келгуси сонида ўқийсиз.

Фарғона вилоятининг Бувайда туманидаги «Бувайда парранда» фермер хўжалигида зотли товуқлар сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Етти хазинанинг бири

■ *Шу мақсадда Давлат акционерлик тижорат «Асакабанк»нинг Фарғона вилоят бўлими Қўқон шаҳар филиалидан 12,5 миллион сўм имтиёзли кредит олинган эди. Яқинда бу маблағга «Белорус-9» зотли товуқлар сотиб олинди.*

— Ўтган йили харидорларга икки тонна парҳез гўшт ҳамда 150 минг дона тухум етказиб бергандик, — дейди хўжалик раҳбари Алижон Баҳромов. — Жорий йилда эса бу кўрсаткични икки баравар оширишни режалаштирганмиз.

СУРАТДА: туман фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи марказ мутахассиси А. Бозоров ва хўжалик раҳбари А. Баҳромов паррандаларни кўздан кечирмоқда.

А. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон бозорида — 10 йил

Мамлакатимиздаги қулай инвестицион муҳит, хорижий инвесторларга яратилган имтиёз ва имкониятлар туфайли Жанубий Кореянинг LG компанияси тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган ўта замонавий компьютерлар, телевизор ва телефонлар, музлатгичу совутгичлар ва бошқа маиший хизмат жиҳозлари аллақачон харидорлар эътиборини қозонган.

■ Мазкур компаниянинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда талабалар ўртасида "Йилнинг энг яхши ғояси" танловини ўтказиб, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида LG компаниясининг мамлакатимиз бозорида фаолият кўрсатаётганига 10 йил тўлиши муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Шу билан бирга, тадбирда LG компаниясининг Black Label туркумига оид янги Shine уяли телефонининг тақдимот маросими ҳам ўтказилди.

Тасвирда миллатлар дўстлиги

Ўзбекистон Байналминал маданияти маркази ташкил этилганига 15 йил тўлиши муносабати билан республика Бадиий академияси ва «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ҳамкорлигида тасвирий ва амалий санъат ҳамда фотосуратлар кўргазмаси ташкил қилинди.

■ Юртимизнинг таниқли рассомлари асарлари ўрин олган мазкур кўргазма Андижон, Навоий, Фарғона, Наманган ва Сирдарё вилоятларида муваффақиятли намойиш этилди.

— Кўргазманинг эътиборли томони шу бўлдики, у қайси вилоятда намойиш қилинган бўлса, ўша ерда яшаб, ижод қилаётган турли миллатга мансуб мусаввирлар асарлари ҳам экспонатлар қаторидан ўрин олди, — дейди Республика Байналминал маданияти маркази директори Н. Муҳаммадиев.

Миллатларнинг ўзаро дўстлиги, тинчлиги, аҳиллиги акс этган 70 дан ортиқ тасвирий ва амалий санъат асарлари билан танишув республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам давом этади.

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

АДАБИЙ-БАДИИЙ АСАРЛАР — ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАДА

Мамлакатимиз Адабий-бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенциясига қўшилганига икки йил тўлди

Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги бош директорининг ўринбосари Алишер ҲАФИЗОВ билан ушбу Конвенциянинг аҳамияти, унинг юртимизда амал қилиши туфайли ўтган даврда эришилган натижалар ва истиқболдаги вазифалар ҳақида суҳбатлашдик.

— Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан юртимизда маънавий мулк ривожи ва муҳофазасига эътибор кучайди. Ўтган даврда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни муҳофаза этишнинг пухта ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилгани бунга яққол мисолдир. Юртимизда муаллифлар ҳуқуқлари ва улар томонидан яратилган асарлар муҳофазасини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётганининг бошқа бир муҳим мезони шуки, 1996 йилдаёқ Олий Мажлис томонидан "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонун қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2005 йилнинг 19 апрелидан эътиборан Адабий-бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси қоидалари амал қилаётгани бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўтган даврда мамлакатимизнинг тараққиёт йўлида қўйган дадил одимлари, шунингдек, Берн конвенциясига қўшилиш учун муайян тайёргарлик кўриш ҳамда ушбу Конвенцияга қўшилганимиздан сўнг унинг қоидаларини тўла амалда татбиқ қилиш билан боғлиқ долзарб масалалар миллий қонунчиликка муайян ўзгартиришлар киритишни тақозо этгани табиий. Шу муносабат билан юртимизда "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилди ва 2006 йил 20 июлда қабул қилинди.

Бугунги кунда ушбу Қонун Берн конвенцияси қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш борасида дастуриламал бўлмоқда. Хусусан, муаллифлик ҳақларини йиғиш ва тақсимлаш ваколатига эга агентлигимиз, ўзининг ана шу ҳуқуқига кўра, муаллифлар билан уларнинг ҳуқуқларини бошқариш юзасидан шартномалар тузмоқда, шунингдек, тузилган шартномалар асосида муаллифлик ҳақларини йиғмоқда.

Адабий-бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси тарихига келсак, у 1886 йилда қабул қилинган ҳамда дунёда биринчи бор муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси соҳасида минимал халқаро стандартларни жорий этган қадимий шартномалардан биридир. Бугунги кунгача ушбу Конвенцияга жаҳоннинг 163 давлати қўшилган.

Мисол учун, Ўзбекистон ҳудудида яратилган бирор-бир адабий-бадиий асар наинки мамлакатимизда, балки Конвенция иштирокчиси ҳисобланувчи барча давлатларда бирдек муҳофаза этилади. Бунда ҳар бир иштирокчи давлатда махсус ташкил этилган ваколатли идоралар – муаллифларнинг мулкий ҳуқуқларини жамоа асосида бошқарувчи жамиятлар ўзаро ҳамжиҳатликда асарларни муҳофаза қилиш тизимини вужудга келтиради.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги ана шундай ваколатли идора ҳисобланади. Агентлигимиз хорижий мамлакатларда юртимиздаги муаллифлар номидан иш кўради, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, тегишли хорижий ташкилотлар билан тузилган икки томонлама битимлар асосида, чет эллик муаллифларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

— Ўзбекистонлик муаллифларнинг ҳуқуқлари муҳофазаси қайси мамлакатларда амалга оширилмоқда?

— Агентлик икки томонлама шартномалар асосида Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Озарбойжон, Туркия, Испания сингари бир қатор мамлакатлар ҳудудларида юртимиз муаллифлари номидан иш кўрмоқда. Ҳозирги кунда Берн конвенциясининг иштирокчиси ҳисобланувчи бошқа мамлакатларга ҳам шу каби икки томонлама шартномаларни имзолаш бўйича таклифлар юборилган.

Марказий Осиё минтақасида ўзбекистонлик ижодкорларнинг асарларига нисбатан қизиқиш жуда катта экани маълум. Масалан, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон сингари мамлакатларда ҳамюртларимиз асарларидан жуда фаол фойдаланилмоқда. Ҳозир Берн конвенцияси талабларига биноан муаллифларимизнинг асарларидан фойдалангани учун ушбу мамлакатлар томонидан Ўзбекистонга қалам ҳақи тўланиши механизмларини шакллантириш ва ривожлантириш борасида изчил иш олиб борилаяпти.

Берн конвенцияси, шунингдек, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 январда "Муаллифлик ҳақи ва бошқа ҳақ тўлаш турлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Эндиликда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муаллифлар асарларидан фойдаланишда ушбу ҳужжатга асосланмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз муаллифлари, шунингдек, асарлардан фойдаланувчи шахслар аксар ҳолларда ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўла билмаслиги билан боғлиқ муаммо ҳам мавжудлиги сир эмас.

Бу каби ҳолатларга барҳам бериш мақсадида агентлик мутахассислари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга Берн конвенцияси ҳамда "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонун нормаларининг моҳияти ва аҳамияти кенг тушунтирилмоқда. Ҳар чоракда муаллифлар, ҳуқуқ эгалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари учун махсус курс ва семинарлар ташкил этиляпти. Бугунги кунгача муаллифлар ва ҳуқуқ эгалари учун 15, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари учун эса 5 та семинар ўтказилди.

— Бу борадаги истиқболдаги вазифаларга ҳам тўхталсангиз...

— Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар бузилишининг олдини олиш – агентлигимизнинг устувор вазифаларидандир. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари учун "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги қонунбузарликларни аниқлаш усуллари" методик қўлланмаси ишлаб чиқилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари иштирокида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги қонунбузарликларга қарши курашиш бўйича ишчи комиссия тузилган. Ҳар ойда ҳўжалик субъектларида, шунингдек, жамоат жойларида текширувлар ўтказилиб, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга доир қонун ҳужжатларига қандай амал қилинаётгани ўрганиб борилмоқда.

Шу ўринда яна бир масалага тўхталишни истардим. Дунёнинг бошқа давлатлари қатори мамлакатимизда ҳам асарларнинг контрафакт нусхаларини тайёрлаш ва сотишга қарши кураш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Маълумки, лицензияланган, яъни қонуний асосда яратилган битта мусиқий альбомнинг нархига асар муаллифларига, ижрочиларига тўланадиган ҳақ, босмахона ва реклама харажатлари, шунингдек, солиқлар, хусусан, даромад солиғи, қўшимча қиймат солиғи ва бошқа шу каби тўловлар киради.

Мусиқий альбомнинг контрафакт, бошқача айтганда, "қароқчи"лик нусхасини тайёрлашда эса бундай сарф-харажатлар "тежаб" қолинади. Лицензияланган мусиқий альбом билан унинг контрафакт нусхасини тайёрлаш учун сарфланган харажатлар қиёсланса, ўртадаги фарқ катта экани яққол кўринади.

Контрафакт маҳсулот учун, бир томондан, муаллиф ва ижрочилар тегишли ҳақини олиш имконига эга бўлмайди, иккинчи томондан, давлатга солиқ тўланмайди, демак, давлат бюджети ҳам муайян миқдордаги тушумдан маҳрум бўлади. Шу боис манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасида бундай қонунбузарликларнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришнинг юридик ва амалий механизмлари ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистонда Берн конвенцияси қоидалари амал қилаётгани мамлакатимиз тараққийпарвар дунё билан тенгма-тенг одим ташлаётганидан яна бир далолатдир. Бугунги кунда биз наинки хорижнинг маънавий мулкидан рисоладагидек фойдаланиш, айни чоғда ўзимизнинг адабий-бадиий асарларимизни ҳам дунё бўйлаб экспорт қилиш ҳуқуқига эгамиз.

ЎзА муҳбири Ғулом МИРЗО суҳбатлашди.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Ҳозирча Саркози олдинда

Францияда президентлик сайловининг биринчи тури бўлиб ўтди. Унда «Халқ ҳаракати учун Иттифоқ» партиясидан номзоди кўрсатилган Николя Саркози 31,11 фоиз овоз олиб, биринчи ўринда бораяпти. Мухолифатдаги Социалистик партия вакиласи Сеголен Руояль хонимга эса сайловчиларнинг 25,84 фоизи овоз беришди. Демократ Француа Байру 18,55 фоиз овоз жамғарган бўлса-да, иккинчи турга ўта олмади. Сайловда рўйхатга олинган аҳолининг 85 фоизи иштирок этди.

Иккинчи тур жорий йил 6 май куни бўлиб ўтади.

Яна сайлов ўтказилади...ми?

Нигерияда мамлакат президентлиги учун сайловлар яна қайтадан ўтказилиши мумкин. Кузатувчи экспертлар шундай хулосага келишди. Чунки, бундан бир ҳафта олдинроқ ўтказилган сайлов жараёнида жуда кўплаб қонунбузилиш ҳоллари рўй берган. Манбада келтирилишича, кўплаб сайлов участкаларида овоз бериш белгиланган вақтда бошланмаган, ҳатто баъзи ҳудудларда сайлов умуман ўтказилмаган. Бунга сайлов бюллетенлари етказиб берилмаганлиги сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Ҳали муддат белгиланмаган

Чехия Президенти Вацлав Клаус мамлакатнинг Европа умумий валютаси — евроҳудудга кириш-кирмаслиги юзасидан умумхалқ референдуми ўтказилишини маълум қилди. Мамлакат раҳбари аҳолининг кўпчилиги миллий валютани инкор этган тақдирда Чехия евроҳудудга киришини айтди. У аҳолига мурожаат қилиб, миллий валюта давлатнинг муҳим рамзларидан бири эканлигини, ундан воз кечиш эса албатта халқнинг хоҳиши билан амалга оширилишини таъкидлади.

Чехия ЕИга 2004 йил 1 майда аъзо бўлиб кирган бўлса-да, еврога қачон ўтиши ҳали аниқ эмас.

Тўрт юз эллигинчи фазогир

Россиялик ва америкалик космонавтлар фазовий сайёҳ Чарльз Симоньи билан Халқаро космик станциядан Ерга қайтиб тушишди. Уччала фазогир ҳам ўзларини яхши ҳис этишмоқда. Россиялик фазогир Михаил Тюрин ва НАСА астронавти Майкл Лопес-Алегриа 215 кун давомида фазода тадқиқотлар ўтказишди. Чарльз эса орбитада 10 кун бўлиши учун 25 миллион доллар тўлади. Чарльз Симоньи инсоният тарихида фазога чиққан 450-кишига айланди.

Уч ойлик истеъфо

Исроил молия вазири Авраам Ҳирчсон Ишчилар миллий федерацияси маблағларини бехуда совурганликда гумон қилинмоқда. Шу муносабат билан у уч ой муддатга хизмат лавозимидан кетишини билдирди. Мамлакат бош вазири Эҳуд Ольмерт вақтинчалик молия вазирининг вазифаларини бажариб туришни ўз зиммасига олди. «Ҳааретз» газетасининг ёзишича, Эҳуд Ольмерт Ҳирчсонни лавозимидан бўшатмоқчи эмас.

Мамлакатдаги «Ҳукуматни тозалаш учун ҳаракат» ташкилоти Олий судга мурожаат қилиб, молия вазирини бутунлай истеъфога чиқаришни талаб қилди. Исроил Адлия вазирлиги вакили Ҳирчсон устидан текширув жуда қисқа муддатда тугашини билдирди.

Карточка орқали ўғирлик



АҚШда 13 нафар киши фирибгарликда айбланаяпти. Улар ресторанларда официантлар ёрдамида мижозларнинг кредит карточкаларидаги маълумотларни аниқлаш йўли билан 3 миллион долларга яқин маблағни ноқонуний ўзлаштиришган. Тергов жараёнида маълум бўлишича, фирибгарлар официантларга мижозлар карточкаларидан олинган кўчирмаларнинг ҳар бири учун 30 доллардан 50 долларгача ҳақ тўлашган.

Жиноий гуруҳ етакчисининг уйи тинтув қилинганда, у ерда 296 та сохта кредит карточка ва 200 минг доллар нақд пул топилган. Агар уларнинг айблари исботланса, гумондорлар 4 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум этилади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) ҳудудий филиали томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда:

I. РКМБ Қашқадарё вилояти филиали томонидан қўйидагилар аукцион савдоларига қўйилмоқда:

1. Қашқадарё вилояти Қамаши тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2007 йил 27 мартдаги 10-0418/3678-сонли ажримига асосан хатланган, Қамаши тумани «Керамик» ОАЖга тегишли бўлган, 1991 йилда фойдаланишга топширилган, майдони 145,92 кв.м.га тенг бўлган бир қаватли, пойдевори бетондан, деворлари пишиқ ғиштдан кўтарилган, томи шифер билан қопланган маъмурий бино ҳамда 1993 йилда фойдаланишга топширилган, майдони 7220 кв.м.га тенг бўлган, пойдевори бетондан, деворлари панель блок ва пишиқ ғиштдан кўтарилган ишлаб чиқариш цехидан иборат кўчмас мулклар мажмуаси.
Бошланғич баҳоси — 2 746 041 000 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 22 май ва 6, 21 июнь кунлари соат 10.00 да, ушбу кўчмас мулк объекти сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

2. Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар бўлими суд ижрочилари томонидан хатланган Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг 2006 йил 20 майдаги 2-120-сонли хукмига асосан хатланган, Қарши шаҳри, Жайхун кўчасида жойлашган, фуқаро И.Панжиевга тегишли пойдевори бетон, деворлари темирбетон колонна, пишиқ ғиштдан қурилган, металл қувур, томи металл фермашифердан иборат бўлган қурилиши тугалланмаган бозорча ошхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 72 253 000 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 8, 23 май ва 7 июнь кунлари соат 10.00 да, ушбу кўчмас мулк объекти сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк объектлари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин.

Ушбу кўчмас мулк объектлари бўйича «Қашқадарё» газетасининг 2007 йил 20 апрелдаги №032 (14060)-сонида хабарнома чоп этилган.

Аукцион савдолари Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, М.Абдуллаева кўчаси, 20-уйда жойлашган (Вилоят давлат мулки бошқармаси) савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Қашқадарё вилояти филиалининг «Асака» банки Қарши шаҳри филиалидаги МФО 00194, ИНН 200938850, 20210000200571452006 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

II. РКМБ Хоразм вилояти филиали томонидан қўйидагилар аукцион савдоларига қўйилмоқда:

Хоразм вилояти, Урганч шаҳри суд ижрочилари бўлими томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2006 йил 16 октябрдаги 22-06-03/3621-сонли ижро варақага асосан хатланган, «Хоразмқурилиш» ОАЖга тегишли қуйидаги кўчмас мулклар:

1. Урганч шаҳри, марказий «Хонқа» кўчасида жойлашган, 2005 йилда қурилиши бошланган, қурилиш ости ер майдони 294,62 кв.м.га тенг бўлган икки қаватли, пойдевори темир-бетон плитадан, деворлари пишиқ ғиштдан кўтарилган, қурилиши тугалланмаган котеж турар жойи.
Бошланғич баҳоси — 65 402 000 сўм.
2. Урганч шаҳри, марказий П.Маҳмуд кўчасида жойлашган, 1967 йилда қурилган, қурилиш ости ер майдони 860,0 кв.м.га тенг бўлган уч қаватли, пойдевори бетондан, девори пишиқ ғиштдан кўтарилган ётоқхона бино ва иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 270 454 000 сўм.
3. Хива шаҳри, «Обводная» кўчасида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 982,16 кв.м.га тенг бўлган, пойдевори бетондан, девори пишиқ ғиштдан кўтарилган маъмурий бино ва иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 136 998 455 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 24, 31 май ва 7, 14, 21, 28 июнь кунлари соат 11.00 да, ушбу кўчмас мулк объектлари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк объектлари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Ушбу кўчмас мулк объектлари бўйича «Хоразм ҳақиқати» газетасининг 2007 йил 21 апрелдаги 32-сонида хабарнома чоп этилган.

Аукцион савдолари Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уйда жойлашган савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Хоразм вилояти филиалининг АТИБ «Ипотекабанк»и Тинчлик филиалидаги МФО 00580, ИНН 200933850, 20210000700571452056 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзиллар:
Республика кўчмас мулк биржаси. Тошкент ш., Собир Раҳимов тумани, М.Ўрозбоев к., 1-«А» уй. Телефонлар: 399-79-52, 399-84-48.
РКМБ Қашқадарё вилояти филиали. Қашқадарё вилояти, Қарши ш., М.Абдуллаева кўчаси, 20-уй. Телефон: 225-44-58.
РКМБ Хоразм вилояти филиали. Хоразм вилояти, Урганч ш., Й.Бобожонов к., 23-уй (Мўлжал: Урганч шаҳар халқ таълими бўлими). Телефон: 226-32-63., Факс: 226-43-64.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.

Наманганда ҳар ойнинг ўн биринчи ва йигирма биринчи саналари «Коммунал тўловлар куни» дея эълон қилинган.

Қарзи йўқнинг кўнгли тўқ

Бу тадбирда фаол қатнашиб, энг кўп тўлов йиғишга муваффақ бўлган маҳалла фуқаролар йиғинлари мунтазам рағбатлантириб борилади. Куни кеча Наманган туманида биринчи чоракда намунали иш олиб борганлар ўз совғаларини олишди. Жумладан, ҳудуд бўйича табиий газ тўлови топширилгани 134 фоизга бажарган Қумқўрғон маҳалла фуқаролар йиғини телевизорли бўлди. Эшовотликлар эса гилам билан тақдирланди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

SIRUBA



ПОД ЗАКАЗ ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

184-83-25 184-83-26 142-77-03

Руслан ЧАГАЕВ:

«МАҚСАДИМ — БАРЧА ЙЎНАЛИШЛАРДА ЧЕМПИОНЛИКНИ ҚЎЛГА КИРИТИШ»

Ҳамюртимиз Руслан Чагаев жорий йилнинг 14 апрелида оламшумул ғалабага эришди. Профессионал боксниг ўта оғир вазнида энг нуфузли —WBA (Бутунжаҳон бокс ассоциацияси) йўналиши бўйича жаҳон чемпионлиги камарини қўлга киритди. Президентимиз Фармонига кўра, Руслан Ватанимизнинг юксак мукофоти — "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланди. Таъбир жоиз бўлса, ўтган ҳафта юртимизда Руслан Чагаевни шарафлаш палласи бўлди. Фурсатдан фойдаланиб, жаҳон чемпиони билан қисқача мулоқотда бўлдик:

Спортимиз юлдузлари

— Руслан, аввало таҳририятимиз ходимлари номидан Сизни ушбу улкан ғалабангиз билан табриклаймиз...

— Тўғриси, ютуғим Ватанимда бунчалик катта тантана бўлиб кетади, деб ўйламагандим. Мени қўллаб турган халқимга, Ўзбекистонда спортни ривожлантириш учун раҳнамолик қилаётган Президентимизга минг раҳмат. Мусобақа бошланишидан олдин опам ва бошқа танишларим телефон қилиб, «Руслан, сени телевизорда кўрсатишаяпти. Бутун халқ сени дуо қилаяпти», дейишди. Ана шу эътибор, ана шу дуолар менга куч берди.

— Николай Валуев Сизгача ҳали бирор марта ҳам мағлубиятга учрамаганди. Жанг олдидан ўзингизни қандай ҳис қилдингиз?

— Албатта, ҳар бир боксчининг ўзига хос жанг услуби бўлади. Валуев кучли боксчи. Кўплар унинг келбатидан чўчишади. Лекин мен шу қўрқувни енгиб, ўзимни руҳий жиҳатдан ғалабага тайёрлай олдим. Тўғрисини айтсам, жанг жуда қийин кечди. Лекин, спортда кўп нарса маҳорат ва тактикага боғлиқ. Мен унга ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга йўл бермадим.

— Руслан, жангда асосан қарши ҳужум усулини қўлладингиз...

— Мураббийим Михаэл Тимм билан жанг тактикасини ишлаб чиққандик. Бу амалда ўз натижасини берди. Қолаверса, ҳаваскор боксда тўпланган тажрибаларим ҳам қўл келди.

— Ҳозир нафақат Осиё қитъасида, балки жаҳонда ҳам номдор боксчилардан бирисиз. Ёш боксчилар Руслан Чагаевдай зўр бўлиши учун нималарга эътибор бериши керак?

— Ёшлигимда Руфат Рискиев, Майк Тайсон сингари номдор боксчиларга ҳавас қилардим. Ана шуларга ўхшаб кучли боксчи бўлиш орзуим эди. Тинимсиз қилган меҳнатларим, устозларим Александр Размахов ва Марс Кўчқоровдан олган сабоқларим қўл келди. Бугун мамлакатимизда спортнинг хоҳлаган тури билан шуғулланиш учун имкониятлар етарли. Ёшларга айтмоқчи бўлганим, фақат кўпроқ ўз устида ишлашсин, тинимсиз меҳнат қилишсин. Шунда муваффақиятлар ўзўзидан келаверади.

— Келгуси жанглардан бирини Ўзбекистонда ташкиллаштиришни режалаштирмаяпсизми?

— Ўз юртингда, ҳамюртларинг қўллаб-қувватлаши остида рингга кўтарилиш қанчалик яхши. Бу менинг энг катта орзуларимдан бири. Лекин бу масалани мен эмас, промоутерлар ҳал қилади. Ҳозир промоутерим Клаус-Петер Коль келгуси жанглардан бирини Ўзбекистонда ўтказиш масаласини ўрганиб чиқаяпти. Режа амалга ошиб қолса, ажабмас.

— Руслан, спорт оламида Сизни машҳур боксчи Майк Тайсонга қиёслаб, "Оқ Тайсон" деб эътироф этишади. Биламизки, Майк Тайсон оғир вазнда мутлақ жаҳон чемпиони бўлган. Сизнинг режаларингиз қандай?

— Мен ҳаваскорлар ўртасида ҳамда профессионал боксниг ўта оғир вазнида WBA йўналишида жаҳон чемпиони бўлдим. Эндиги режам эса барча йўналишлар бўйича чемпионлик камарларини бирлаштириб, мутлақ вазнда чемпион бўлиш. Албатта, келгусида рақиблар кучайиб бораверишн аниқ. Лекин мен бор имкониятимни ишга солиб, олдимга қўйган мақсадимга эришаман.

"Халқ сўзи" мухбири Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ суҳбатлашди.

Анвар ОБИДЖОН, Ўзбекистон халқ шоири:

— Русланнинг жанги куни Олтиарикда эдим. Тунги соат учдан ўтиб кўчага чиқдим, барча хонадонларнинг чироғи ёниқ.

Эрта тонгда эса қишлоқ кўчалари қувонч ирмоқларидан ҳосил бўлаётган жўшқин дарёларга айланди. Янги шов-шувлар пайдо бўлди. Эмишки, Чагаевнинг ашаддий мухлиси бўлган бир деҳқон йигит бир ярим қоп эртанги бодрингини гузардагиларга текин тарқатиб юборибди.

Бутун бир юрт аҳлини бир тан бир жон қиладиган, халқнинг ғурурини бир лаҳзада минг поғона юқорилатиб юборадиган ноёб воқеликлар ҳамма мамлакатларда ҳам юз беравермайди. 14 апрель куни Русланимиз Ўзбекистоннинг қудратини жаҳонга баралла таранним этувчи янги "Алпомиш" достонини яратди. Бу "Олтин қўлқоп"да ёзилган достондир.

Луиза ЧАГАЕВА, чемпионнинг опаси:

— Ҳозирги ҳаяжонимни сўз билан таърифлаш қийин. Жангнинг 12 раундини ҳам кўзимда ёш ва ҳаяжон билан кузатдим. Ҳар зарба берганида юрагим ҳапирқиб кетарди. Африкалик ҳакам 114-114 ҳисобини кўрсатганда танам музлаб кетди. Кейинги ҳакамлар натижани эълон қилишганда, адолат тантанасидан қандай сакраб юборганимни билмайман.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

касса, ҳисоблаш ва олисдан хизмат кўрсатиш техникаси учун эҳтиёт қисмлар етказиб бериш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда иштирок этиш учун аризалар эълон чоп этилгандан бошлаб 5 иш куни мобайнида қабул қилинади.

Ариза шаклини мулоқот қилувчи шахслардан ёки «Ўзмиллийбанк»нинг www.nbu.com сайтидан олиш мумкин.

Мулоқот қилувчи шахслар:

Суханов Вячеслав Михайлович, тел.: 134-42-93, ички тел.: 22-15, факс: 135-20-90, e-mail SSukhanov@central.nbu.com

Муртазаев Эдем Нариманович, тел.: 134-42-93, ички тел.: 22-17, факс: 135-20-90, e-mail edem@central.nbu.com

«Крокус Газ Сервис» ҚК (Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг (Россия) Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русумли ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари *(200 кВт ва 400 кВт);*
- буғ қозонлари *(соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);*
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари *(100 кВт ва 200 кВт);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар *(7 кВт дан 16 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар *(20 кВт дан 100 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар *(10 кВт дан 40 кВт гача).*

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:
1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторидаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.
2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

«Parvina-Quruvchi PVS» МЧЖ ва «Sino» ОАЖ

сизнинг эътиборингизга замонавий технология бўйича тайёрланган, тез суръатда йиғилиб, қисқа муддат ичида ишга туширишга мўлжалланган, металлопластикдан тайёрланган

павильонлар конструкцияларини таклиф этади.



Замонавий технология бўйича тайёрланган павильонлар буюртмачининг хоҳишига кўра, хизмат кўрсатиш соҳаларида, яъни савдо шохобчаси, маркет, ошхона, кафе, дорихона, маиший хизмат кўрсатиш устахонаси, уяли телефон компаниясининг уланиш ва тўловни амалга ошириш шохобчаси, шунингдек, иссиқхона ва парранда фермаси ҳамда бошқа мақсадларда фойдаланиладиган хоналарга айлантирилиши мумкин. Конструкциялар ҳаво ҳароратини совутишда, хонани иситиш ва совутишда электр қувватини тежашга кафолат беради.

Шунингдек, ўз хусусиятлари билан металлдан қолишмайдиган, ўта технологик, оғирлиги енгил бўлган, янги технология бўйича ПВХдан тайёрланган, томларни ёпиш материали сифатида ишлатиладиган махсус пластикни таклиф этади.
Баҳоси — монтаж ишлари билан 1 кв. м. учун 9000 сўм ва ундан юқори. Кафолат — 20 йил.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Самарканд ш., Спитамен шоҳ кўчаси, 270-уй. Тел.: 8 (366) 221-41-21, 222-43-68. E-mail: parvina-pvs@rambler.ru www.parvina.uz

Иқлим

Об-ҳаво қандай бўлади?

Республика Гидрометеорология хизмати марказидан олинган маълумотларга қараганда, бугун ва эртага юртимизда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. 26-28 апрель кунлари эса айрим ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин.

Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Момақалдироқ туфайли унинг тезлиги секундига 15-20 метргача етади. Ҳарорат кечалари 13-18 даража, 24-26 апрель кунлари кундузи 28-33, 27-28 апрелда эса 22-27 даража илиқ бўлади.

Апрелнинг 24-26 кунлари мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. 27-28 апрелда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин.Шамол ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Момақалдироқ вақтида унинг тезлиги секундига 15-20 метргача етиши мумкин. Ҳарорат кечалари 8-13 даража, 24-26 апрелда кундуз кунлари 17-22 даража, 27-28 апрелда эса 10-15 даража илиқ бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

«Ўқув таълим-таъминот» давлат унитар корхонасининг РЕСПУБЛИКА «ТАЪЛИМ-ТАЪМИНОТ-ЖИҲОЗ» ФИЛИАЛИ

2007-2008 ўқув йили маҳсулотларини вилоятларга етказиб бериш бўйича «Мерседес-бенц» ва «Камаз» русумли усти ёпиқ автомашиналари бўлган автокорхоналар ўртасида танлов эълон қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 391-12-30, 391-12-28, 391-04-94.

Танлов — 10 кун давом этади.

АССОЦИАЦИЯ ПО СЕРТИФИКАЦИИ

"РУССКИЙ РЕГИСТР"

АККРЕДИТОВАН В УЗБЕКИСТАНЕ
свидетельство об аккредитации № UZ.AMT.04.MAI.006

СЕРТИФИКАЦИЯ СИСТЕМ МЕНЕДЖМЕНТА

ISO 9001 - Менеджмент качества
ISO 14001 - Экологический менеджмент
ISO 18001 - Профессиональное здоровье и безопасность
ISO 22000 - Безопасность пищевых продуктов

СП "РУССКИЙ РЕГИСТР - СРЕДНЯЯ АЗИЯ"
Тел. (99890) 346 56 76 Тел./факс 133 73 30
Ташкент, 1-й переулок Асака, д 3
mail: rr_uz@mail.ru; uzbekistan@russregister.ru www.russregister.ru

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-32214 (4х4) "Тез ёрдам"

Маҳсулот сертификатланган

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чикинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси Маҳамаджон Зуфаровга укаси

Расулжон ЗУФАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси «O'zbekiston» телерадиоканали» давлат унитар корхонасининг Андижон вилояти бўйича ўз мухбири Иброҳимжон Зуфаровга падари бузруквори

Хонтўра ЗУФАРОВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари университет докторанти Гульнара Маҳкамовага отаси

Турдахун ТЎКТАХУНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 35442 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.45 23456